

ШАРТНОМА № 01

«**19**» январь 2022 йил

Андижон шаҳри

Амалдаги Низом асосида иш юритувчи, кейинчалик “Бажарувчи” деб аталувчи Андижон вилояти ҳокимининг 2020 йил 24 февралдаги 468-К қарори билан рўйхатга олинган вилоят шахсий таркиб ҳужжатлари Давлат архиви раҳбари Ш.Насирдинов бир томондан ва амалдаги Низом асосида иш юритувчи, кейинчалик “Буюртмачи” “Uzauto Components” маъсулияти чекланган жамиияти директори Н.Роғимов иккинчи томондан мазкур шартномани қўйидагилар тўғрисида туздилар:

1. Шартнома мазмуни:

1.1 Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 15 июндаги “Архив иши тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 30 октябрдаги 482-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фондига” хамда “Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардаги идоравий архивлар тўғрисида Низом” хамда “Ўзархив” агентлигининг 2020 йил 21 февралдаги 40-сон буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ташкилотлари фаолиятида тузиладиган бошқарув ҳужжатларининг саклаш муддатлари кўрсатилган намунавий “РЎЙХАТИ”га асосида Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди ҳужжатларини идоравий саклаш даврида меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиша амалий ёрдам кўрсатиш, ҳужжатларни тартибга келтириш, илмий-техник қайта ишлаш, йиғмагилларни тикиш, муқовалаш ва вақтинча саклаш учун қабул қилиш.

2. Шартнома предмети:

2.1 “Буюртмачи” мазкур шартнома асосида “Бажарувчи”га идоравий архивда тўпланиб қолган ҳужжатларни тартибга келтириш, илмий-техник қайта ишлаш, йиғмагилларни тикиш, муқовалаш, вақтинча саклаш учун тогширади ва бажарилган иш хамда хар йили депозитар сакловга олинган хар бир йигмагилд учун базавий хисоблаш миқдорининг ўн фоизи миқдорида хақ тўлаш мажбуриятини уз зиммасига олади.

2.2 “Буюртмачи”нинг топшириға кўра “Бажарувчи”га иш юритиш ва идоравий архив фаолиятига тегишли меъёрий ҳужжатларни тайёрлаш, тартибга келтириш, “Ўзбекистон Республикаси ташкилотлари фаолиятида тузиладиган бошқарув ҳужжатларининг сакланиш муддатлари кўрсатилган намунавий рўйхати” (Тошкент-2011)га асосан қимматлилик экспертизасини ўтказиш, йиғмагилларни тикиш, муқовалаш ва вақтинча саклаш учун қабул қилиш, саклаш муддати тугаганларини чиқитга ажратиш ва иккиламчи маҳсулотларни қайта ишлаш корхонасига топшириш ва бошқа архив қонун қоидаларида белгиланган ишларни бажаради.

3. Шартноманинг баҳоси ва ҳисоб китоб тартиби:

3.1 Мазкур шартнома бўйича тўланадиган хақ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Ўзархив” агентлиги томонидан 2020 йил 31 марта тасдиқланган № 72-сонли буйруғига кўра тузилган нархномага асосан тўланади.

3.2. Шартноманинг умумий қиймати 10 050 000 (**ЎН МИЛЛИОН ЭЛЛИК МИНГ**) сўмни ташкил этади. Ҳисоб-китоб “Буюртмачи” томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

3.3 “Буюртмачи” шартнома кучга кириб тегишли ғазначилик тизимида рўйхатга олингандан сўнг белгиланган тўловлар кетма кетлигига асосан 10 банк иш кунида “Бажарувчи” га бажарилган ишлар суммасини 30% 3015000 сўмни олдиндан аванс тариқасида “Бажарувчи”нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

3.4 Қолган 70 % 7035000 сўмни “Буюртмачи” томонидан ишлар тугагандан сўнг, бажарилган ишларни қабул қилиш ва топшириш далолатномаси асосида 15 банк иш кунида тўлиқ ўтказиб берилади.

4. Томонларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

4.1 “Буюртмачи”нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

“Бажарувчи”дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

4.2 “Бажарувчи” қуидаги ҳуқук ва мажбуриятларга эга:

Бажарилган ишлар учун хақ тұланишини ва амалдаги қонун хужжатларида белгиланған тартибда вәхимда узил-кесил ҳисоб қилинишини “Буюртмачи”дан талаб қилиш.

5. Шартноманинг бажарилиши

5.1 Мазкур шартнома қонун хужжатлари талабларига мувофик тарзда бажарилиши, хамда томонлар үз зиммаларига қабул қилинған барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилған ҳисобланади.

5.2 Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама үзгартырушга йүл күйилмайды, қонун хужжатларида белгиланған холлар бундан мустасно.

6. Томонларнинг жавобгарлиги

6.1 Кўрсатилған ҳизматлар бажарилмаган тақдирда “Бажарувчи” “Буюртмачи” га кечиктилған ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

6.2 Кўрсатилған ҳизматлар учун расмийлаштирилған қабул қилиш топшириш далолатномасига асосан үз вактида хақ тўланмагандан “Буюртмачи” “Бажарувчи”га муддати кечиктилған ҳар бир кун учун кечиктилған тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бу кечиктилған тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

7. Низоларни хал этиш тартиби

7.1 Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан холда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача хал этиш чораларини қўрадилар.

7.2 Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни хал этиш учун бевосита судга мурожаат этишга хақлидирлар.

8. Форс-мажор

8.1 Томонларга боғлиқ бўлмаган холатлар “ёнгин, сув тошқини, шу каби бошқа холатлар хамда Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари”, агар тегишли хужжатлар билан тасдиқланган тақдирда мажбурият бажарилмаганлиги учун томонлар жавобгарлигидан озод этилади.

8.2 Юқоридаги холатлар юзасидан дархол хабарнома юборилиши мажбурийдир.

9. Шартноманинг амал қилиниши

9.1 Мазкур шартнома “Бажарувчи” ва “Буюртмачи” томонидан тасдиқланиб, ғазначилик бошкармасидан рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга киради ва 31-декабрь 2022 йил кунигача амал қиласи.

9.2 Шартнома икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.
«Бажарувчи»
«Буюртмачи»



Андижон вилоят шахсий таркиб
хужжатлари Давлат архиви
Андижон шаҳар Бобур шох кўчаси-41
x/p 20208000300562490001
УЗСКБ Андижон бўлими МФО: 00075
ИНН: 207235986 ОКОНХ- 95150
Рахбар:  Ш.Насирдинов

Хуқуқшунос:

“Uzauto Components” маъсулияти
чекланган жамиияти
Андижон шаҳар Бобуршох куча №73-үй
X/P 2020800005109479001
Инфинбанк ХХТУТ-70220
МФО-01114 СТИР 306594364
Рахбар: 



Лист согласования условий договора №01 от 19.январ.2022 г.
Между ООО «UzautoComponents» и Андижон вилоят шахсий таркиб
хужжатлари Давлат архиви

Предмет контракта	Услуга подготовки документов для сдачи и хранения в архив			
Общая сумма контракта	10 050 000,00 UZS			
Условия оплаты	30 % аванс			
Условия поставки				
Срок выполнения	с даты получения счет-фактуры			
Руководитель службы	Ф.И.О	Салимохунов М.	Подпись	
Исполнитель	Ф.И.О	Рузиев И.	Подпись	
Согласовано	Мнение			Подпись
Заместитель генерального директора по общим вопросам	<i>портала таджикиси</i>			
Главный бухгалтер				
Главный юрисконсульт	<i>Маднир портала роёвлоҳо ҳамарлори мечеъе очборот порталине мад- нестириши лозим.</i>			